



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚУВАЙТ ЎРТАСИДАГИ ХАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАДРИЖИ

Наджимов Фурқат Комилджонович

ТДШУ Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати 2-курс магистранти fura-bek@mail.ru

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-20>

ARTICLE INFO

Received: 03th February 2023

Accepted: 15th February 2023

Online: 16th February 2023

KEY WORDS

Ўзбекистон, Кувайт, Марказий Осиё, Яқин Шарқ, сиёсий муносабатлар, парламент дипломатияси, иқтисодий ҳамкорлик, миграция.

ABSTRACT

Ўзбекистон ва араб давлатлари муносабатларининг ривожланиши узоқ тарихга эга бўлиб, икки минтақа давлатлари тарихан узвий алоқадорликка эга. Хусусан, Ўзбекистон ва Кувайт давлатларининг ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши ва мустақамланиши бевосита Марказий Осиё давлатларининг мустақилликка эришишлари билан боғлиқдир. Мустақилликнинг дастлабки давридан то бугунги кунга қадар Ўзбекистон ва Кувайт муносабатлари бардавом давом этмоқда, муносабатларга таҳдид солувчи жуддий омилларнинг мавжуд эмаслиги икки томонлама муносабатларни раҳбатлантирмоқда. Мазкур мақолада айнан Ўзбекистон ва Кувайт муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиш тадрижи таҳлил этилган ва даврий нуқтаи назардан очиб берилган.

КИРИШ

Араб давлатлари Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим ваустувор йўналишларидан бири саналади. Бунинг бир қатор омилларини келтириш мумкин: *биринчидан*, Марказий Осиё минтақаси бевосита Яқин Шарқ минтақаси билан чегарадош бўлиб, минтақаларда юз берган тарихий ва замонавий жараёнлар ўзаро таъсирга эга ҳисобланади. *Иккинчидан*, Ўзбекистон ислом цивилизациясининг ажралмас қисми сифатида араб олами билан алоқадорликка эга; *учинчидан*, Ўзбекистонинг савдо-иқтисодий, жаҳон бозорига чиқишидаги транспорт-логистика манфаатлари, уларни диверсификация қилиш айнан Яқин Шарқ минтақаси билан ҳам боғлиқдир. *Тўртинчидан*, бу бевосита хавфсизлик ва барқарорлик масалаларига оид бўлиб, Ўзбекистон ташқи сиёсатида Яқин Шарқдаги геосиёсий жараёнлар аҳамиятли ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон ва араб мамлакатларини географик жиҳатдан яқинлик, умумий тарих, дин ва маданият бирлаштиради. Ўтмишда араб дунёси ва Марказий Осиё мамлакатлари ягона маданий-цивилизацион ва иқтисодий маконга кирганлар.



Ўзбекистоннинг араб давлатлари, хусусан, Кувайт билан алоқалари ривожланиши 1991 йилдан бошланган.

Тадқиқотчи Г.Исматуллаева ва Ш.Икромов таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг араб давлатлари билан муносабатларини икки даврга ажратиш мумкин. Биринчи давр 1990 йиллардан 2017 йилгача бўлиб, бу даврда икки томонлама алоқалар асослари яратилди. Шу билан бирга диний радикаллашув фонида ўзаро муносабатлар секинлашган. Иккинчи давр 2017 йилдан ҳозиргача бўлиб, Ўзбекистонда сиёсий режимнинг ўзгариши натижасида Араб давлатлари билан очиқ ва прагматик сиёсат олиб борилмоқда. Икки томонлама муносабатларда жадаллашув жараёни кузатилмоқда¹. Мазкур ҳодиса бевосита Ўзбекистон ва Кувайт муносабатларига ҳам хос хусусият саналади.

Биринчи давр: Кувайт Давлати Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган. Давлатлар ўртасида дипломатик муносабатлар 1994 йил июл ойида ўрнатилган. 2001 йилда Кувайт Давлати Тошкент шаҳрида ўз элчихонасини очди. Ўзбекистон Республикасининг Кувайт Давлатидаги элчихонаси 2004 йилнинг ноябр ойидан бошлаб фаолият олиб бормоқда.

Сиёсий соҳада: Икки давлат ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг ривожланиши давлат раҳбарларининг ташрифлари орқали мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2004 йилнинг 19-20-январида Кувайт Давлатига уюштирган расмий ташрифи давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига туртки берди ва ташриф чоғида яратилган ҳуқуқий база икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга асос солди². Бу ташриф Ўзбекистон раҳбариятининг илк ташрифи ҳисобланади.

Сиёсий маслаҳатшувларни йўлга қўйилишида 2006 йил Кувайт ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Ал-Салим Ал-Сабоҳнинг Ўзбекистонга ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ташриф чоғида Ташқи ишлар вазирилари даражасида сиёсий маслаҳатлашувларни ўтказиш тўғрисида ўзаро англашув Меморандуми имзоланди³.

Кейинги алоқаларнинг ривожланиш босқичи 2008 йилнинг июл ойида Кувайт амири шайх Сабаҳ ал-Аҳмад ал Жабер ас-Сабаҳ Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф амалга ошириши фонида юз берди. Ташриф чоғида ўзбек-кувайт муносабатларини мустаҳкамлашга, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Улар қаторига Ўзбекистон ва Кувайт ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиққа тортишга йўл қўймаслик, ҳаво қатнови, терроризм, наркотик моддалар

¹ Юлдашева Г.И., Икромов Ш.И. Ўзбекистон Республикаси ва араб давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги тенденциялари // UzAnalytics // <https://www.uzanalytics.com/xalqaromunosabat/4397/> - 07.04.2019

² O'zbekiston-Kuvayt munosabatlari // Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги расмий сайти // <https://mfa.uz/uz/pages/with-asia-africa>

³ Uzbek-Kuwait ties // Kuwait times // - <https://www.pressreader.com/kuwait/kuwait-times/20191222/281818580735221>



контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги битимларни келтириш мумкин⁴.

Парламентлараро ҳамкорлик. Биринчи президент даврида парламентар дипломатияга ҳам кенг эътибор қаратилди. Қувайт Миллий Ассамблеяси делегацияси Ўзбекистонга 2002 йил октябр, 2005 йил сентябр, 2010 йил апрель ва 2015 йил апрел ойларида ташриф буюришди. Қувайт вакиллари Ўзбекистонда бўлиб ўтаган Президентлик ва парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида доимий иштирок этиб, бошқа муҳим сиёсий тадбирларда иштирок этмоқда. 2014 йил декабр ойида бўлиб ўтган парламент сайловларида Қувайт университети профессорлари Абдул Реда Ассири ва Ҳамад Ал-Абдулла, “Times Kuwait” газетаси ижрочи директори Реавен ДСуза (Reaven DSuza) ва “Al-Nahar” газетаси журналисти Самира Фримеш (Samira Frimesh) иштирок этди.

Савдо-иқтисодий соҳада. Гарчи Ўзбекистон ва Қувайт ўртасида ҳамкорлик кўлами ва савдо айланмаси юқори бўлмасада, икки давлат муносабатларининг устувор жиҳатини савдо-иқтисодий манфаатлар орқали ўлчаш мумкин. 2004 йил 19 январда имзоланган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича қўшма ҳукуматлараро комиссия тузилди. 2015 йил 5-6 ноябр кунлари Ўзбекистонда бўлиб ўтган Халқаро инвестиция форумида Қувайтдан кўп сонли делегация ва ишблармонлар иштирок этди.

2008 йилги ташриф чоғида ҳам Ўзбекистон ҳукумати Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолади. Имзоланган меморандумга мувофиқ, Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси Ўзбекистонда сув таъминоти ва энергия таъминоти, ирригация, қурилиш соҳаларида тўққизта лойиҳани молиялаштириш учун 215 миллион доллар ажратади.

Айтиш мумкинки, Қувайтнинг мазкур жамғармаси 1990 йиллардан бошлаб, Ўзбекистондаги турли ижтимоий масалаларга имтиёзли кредитлар ажратган. Хусусан, 1997 йил июн ойида Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси Нукус ва Урганч шаҳарларини сув таъминоти лойиҳасини молиялаштириш учун олти миллион Қувайт динори (19,8 миллион АҚШ доллари) миқдорида беш йиллик имтиёзли давр билан 20 йиллик кредит ажратиш тўғрисида шартнома имзолади. Қувайт жамғармаси Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки билан биргаликда Қарши насос станцияси каскадларини тиклаш лойиҳасини ҳам молиялаштирди. Жамғарма энергия тежашни ошириш, сувдан фойдаланишни яхшилаш, операцион харажатларни камайтириш ва бошқа лойиҳалар учун 19 миллион АҚШ доллари ажратган⁵. Бу ўз навбатида Қувайт учун ҳам “юмшоқ куч” воситаси ёрдамида жаҳонда сиёсий таъсирини ошириш имконини беради.

Иккинчи давр: 2016 йилда Ўзбекистон президенти сифатида Ш.М.Мирзиёевнинг сайланиши Ўзбекистон ташқи сиёсатида очиқлик ва прагматизм даври бошланганини кўрсатиб берди. Эндиликда Ўзбекистон ўз ташқи сиёсий стратегиясини қайта кўриб

⁴ Эмир Государства Кувейт посетит с официальным визитом Узбекистан // <https://www.trend.az/casia/uzbekistan/1251173.html> - 19 июля 2008

⁵ Глава Узбекистана Ислам Каримов посетит Кувейт с официальным визитом // <https://ria.ru/20040116/508834.html> - 16.01.2004



чиққан ҳолда, давлатлар билан ҳаморкликка тўсиқ бўлган турли омилларни олиб ташлашга интила бошлади. Бунинг натижасида Ўзбекистон ва араб олами давлатлари ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди.

Ш.М.Мирзиёев президентлигининг дастлабки даврида бир қатор сиёсий вақеликлар кузатилди:

Биринчидан, 2017 йил июнда Ўзбекистонда Кувайт Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ ташкил этилди.

Иккинчидан, 2018 йил 4 декабрда ал-Кувайт шаҳрида Ўзбекистон ва Кувайт Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларнинг 2-давраси ўтказилди.

Учинчидан, 2018 йилнинг 6-10-сентябр кунлари Шаҳрисабз шаҳрида боғлиб оътган Халқаро мақом санъати анжуманида Кувайт маданият, санъат ва адабиёт миллий кенгаши Бош котибининг ўринбосари Бадр ад-Дувейш бошчилигидаги ҳайъат иштирок этди.

Тўртинчидан, 2018 йилнинг 25-26-октябр кунлари Ал-Кувайт шаҳрида Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестрининг концертлари ҳамда миллий хунармандчилик кўرғазмаси ташкил этилди.

Бугунги кун талабидан, айниқса пандемиянинг таъсиридан келиб чиқиб янги ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу ўзгаришлар ўз навбатида минтақа давлатлари ўртасидаги яхши қўшничилик алоқаларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг билан бир вақтда Қувайт ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг инвестициявий, савдо-иқтисодий, саноат, транспорт ва логистика соҳаларида вужудга келган ва ривожланиб бораётган кўп қиррали ҳамкорликнинг янги тенденциялари бугунги ҳолатини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, кенгайтириш истиқболлари муҳим стратегик вазифа бўлиб қолмоқда. Жумладан, 2021 йил 16 июлда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев Қувайт Давлатининг ташқи ишлар вазири, Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича давлат вазири шайх Аҳмад Носир ал-Муҳаммад ас-Сабоҳни қабул қилди. Ўзбекистон президенти икки мамлакат ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш муҳим эканини таъкидлади. Қувайт ташқи сиёсий идораси раҳбарининг ушбу ташрифи мулоқот ва алмашинувларнинг фаоллашишига хизмат қилишига ишонч билдирилди⁶.

Савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадида 2022 йил 2 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлигида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қувайт Амирлиги билан икки томонлама ҳамкорлик ва ташқи савдо алоқаларини янада ривожлантириш ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Агентлик директори Улуғбек Касимходжаев ва Қувайт Амирлигининг Тошкентдаги элчиси Аҳмад Ҳолид Абдулла ал-Жийрон ўртасида учрашув ўтказилди. Учрашув давомида, ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, инвестицион муҳит ва инвесторлар учун яратилган имкониятлар бўйича тегишли маълумотлар алмашилди.

⁶ Ўзбекистон Президенти Қувайт ташқи ишлар вазири қабул қилди // Ўзбекистон Президентининг расмий веб-сайти // <https://president.uz/uz/lists/view/4494> - 16.07.2021



Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Кувайт муносабатларидаги янги форматлардан бири миграция соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш саланади. Ўзбекистон ва Кувайт ўртасида меҳнат миграциясини ташкил этиш бўйича ҳукуматлараро битим имзоланиши миграция масаласидаги янги форматни белгилаб берди. Ўзбекистоннинг Кувайтдаги элчихонаси кўмагида Ўзбекистон Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва Кувайт ишчи кучлари бўйича агентлиги ўртасида онлайн музокаралар ташкил этилди, маълум қилинишича, музокаралар чоғида хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси ташкил этилишига йўналтирилган ҳукуматлараро битим лойиҳаси кўриб чиқилган. Шунингдек, 2019 йилнинг 13 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида вазир Шерзод Кудбиевнинг Alshaya Group ижрочи директори Муҳаммад Аль Шайа (Кувайт) билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувнинг асосий мавзуси Ўзбекистон фуқароларини Alshaya Group компанияси таркибий бўлинмаларида ишга жойлаштириш истиқболлари муҳокамаси бўлди. Бу келгусида Ўзбекистон ташқи меҳнат бозорини диферсификация қилишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ давлатлари билан алоқалари мавжуд бўлсада, Ўзбекистон-Кувайт муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши бевосита Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши билан боғлиқдир. Икки давлат муносабатлари бугунги кунда дўстона деб ҳисоблаш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон ва Кувайт ўртасида тарихий адоватлар, ҳудудий низолар ва иқтисодий рақобатлар мавжуд эмас.

Иккинчидан, Кувайт иқтисодий фаравон ва салоҳиятли давлат бўлиб, Ўзбекистон тараққиёти учун Кувайт иқтисодий ресурсларини жалб этиш долзарб масала ҳисобланади.

Учинчидан, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашганлиги ва қулай геостратегик ҳолати Кувайтнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш орқали жаҳонда ўзининг сиёсий таъсирини ошириш имконини беради.

References

1. Юлдашева Г.И., Икромов Ш.И. Ўзбекистон Республикаси ва араб давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги тенденциялари // UzAnalytics // <https://www.uzanalytics.com/xalqaromunosabat/4397/> - 07.04.2019
2. O'zbekiston-Kuwait munosabatlari // Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги расмий сайти // <https://mfa.uz/uz/pages/with-asia-africa>
3. Uzbek-Kuwait ties // Kuwait times // - <https://www.pressreader.com/kuwait/kuwait-times/20191222/281818580735221>
4. Эмир Государства Кувейт посетит с официальным визитом Узбекистан // <https://www.trend.az/casia/uzbekistan/1251173.html> - 19 июля 2008
5. Глава Узбекистана Ислам Каримов посетит Кувейт с официальным визитом // <https://ria.ru/20040116/508834.html> - 16.01.2004



6. Ўзбекистон Президенти Қувайт ташқи ишлар вазирини қабул қилди // Ўзбекистон Президентининг расмий веб-сайти // <https://president.uz/uz/lists/view/4494> - 16.07.2021